

Мақсадли учрашув

Институт ректорининг 2018 йил 30 мартдаги «ТИҚХММИ тасарруфидаги академик лицей битирувчиларини касбга йўналтириш ва институт фаолияти билан яқиндан таништириш бўйича чора-тадбирлар режаси»га асосан 2018 йил 12 май куни соат 13:00да 8-маърузалар залида, «Гидротехника қурилиши» факультети ва мутахассис чиқарувчи «Гидротехника иншоотлари ва муҳандислик конструкциялари» ҳамда «Сув энергияси ва насос станцияларидан фойдаланиш» кафедралари раҳбарлари билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашув давомида академик лицейлар битирувчиларига факультетда тайёрланаётган кадрлар ва улар фаолият юритадиган ишлаб-чиқариш ташкилотлар тўғрисида батафсил маълумотлар берилди.

